



Савол:

Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳ. Шахсий жойни, савдода ҳалол ҳаромни фарқига бормайдиган кишига ижарага бериш мумкинми?

Жавоб:

Агар у одам ҳаром ишларда фойдаланиши аниқрок бўлса, масалан, бар қилмоқчи ёки Исломда ҳаром қилинган нарсалар билан савдо қиладиган дўкон очмоқчи бўлса бериш мумкин эмас. Кийим кечак сотадиган дўкон қилмоқчи бўлса бунинг фарқи йўқ берса бўлаверади. Ёки ижарага бергандан кейин билсаки, у одам жойдан ҳаром ишларда фойдаланаяпти, уни бу ишларидан қайтаришга ҳақли. Агар у итоат қилмаса жойини қайтариб олиши керак бўлади. Жойини қайтариб ололмаган тақдирда кейинги йилга шартномани янгиламайди. Валлоҳу аълам